

ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Джалилов Раҳмонкул Ҳамидович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, катта ўқитувчи

Аннотация

Ушбу илмий мақолада қўшилган қиймат солиғи, унинг республикамиз ва хорижий мамлакатлар солиқ тизимидаги ўрни, солиқ имтиёзларидан фойланиш ҳолати ва зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: солиқ, қиймат, билвосита солиқлар, қўшилган қиймат солиғи, солиқ имтиёзи, фойдаланилмаган маблағлар, бюджет, ҳисобот даври.

КИРИШ. Дунёда қўшилган қиймат солиғининг ҳисоби методикасини такомиллаштиришга оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, қўшилган қиймат солиғининг оптимал ставкаси 15-20 фоизни ташкил қилиши, ставка пасайтирилиши бюджет тушумлари етишмовчилигига олиб келиши, юқори ставканинг жорий қилиниши бизнесни яширишга олиб келиши исботланган (KPMG, Лондон), Қўшилган қиймат солиғидан қочиш иқтисодий ўсишга, макроиқтисодий барқарорликка таъсир этиши исботланган (Georgia State University, АҚШ), Тадбиркорлик субъектларининг асосий солиқ харажатлари қўшилган қиймат солиғига тўғри келиши асосланган (Nevin Economic Research Institute-NERI, Ирландия), Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг икки фоизли пунктга пасайтирилиши ЯИМнинг 0,56 фоиз ўсишига олиб келиши асосланган (UNDP), Солиқ масалалари бўйича солиқ аудити ва бошқа хизматлар ҳамда солиқ органлари билан мулоқот методикаси ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги аудиторлик фаолияти бўйича комиссия).¹

Хўжалик субъектларига берилаётган солиқ имтиёзларини асосланганлиги ва уларни берилган мақсадларга ишлатилишини назорат қилиш бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида амалга оширилади. Солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида унинг иқтисодий моҳиятини ўрганишимиз зарур.

2. Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий адабиётлар ва меъерий ҳужжатларда солиқ имтиёзига турлича таърифлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 75-моддасида солиқ имтиёзларга қуйидагича

¹ Абдуллаев А.Б. Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Диссертация. Тошкент. 2020. 69 бет.

таъриф берилган: “Солиқ имтиёзлари - солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёзлари деб эътироф этилади. Солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас”².

“Солиқлар бўйича имтиёзлар солиқ солишдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириши шарти билан берилиши мумкин. Бундай маблағлар мақсадли ишлатилмаган тақдирда мақсадсиз ишлатилган маблағлар суммаси белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундирилиши лозим. Солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаган ва мазкур имтиёзларнинг амал қилиш даврида фойдаланилмаган маблағлар суммаси берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг бир йил давомида уларни тақдим этишда белгиланган мақсадлар учун йўналтирилиши мумкин. Бунда белгиланган муддатда фойдаланилмаган маблағлар бюджетга ўтказилиши лозим”³.

И.А.Майбуров солиқ имтиёзларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили⁴.

В. Г. Пансков солиқ имтиёзининг иқтисодий моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: Солиқ имтиёзи - бу солиқ тўловчига бериладиган мақсадли имтиёзли ҳуқуқ ёки солиққа тортиш базасидан ва солиқ солиш объектдан мақсадли чиқариб ташлаш, уни солиқ тизимига киритиш муайян мақсадга эришиш учун мўлжалланган ва иқтисодий, бюджет, фискал ёки ижтимоий самарадорликни унинг ёрдамида аниқлаш мумкин⁵.

З.Курбанов ва Ф.Акрамов солиқ имтиёзларининг моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

“солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;

солиқдан чегирмалар;

солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар)”⁶.

У.Х.Нормурзаев “Солиқ имтиёзлари - солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти”⁷ деб эътироф этиш ҳамда “солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ва солиқ имтиёзларининг ҳар бир турига махсус идентификация кодиди берган ҳолда амалга ошириш кераклигини мақсадга мувофиқ”⁸ - деб ҳисоблайди.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, солиқ имтиёзлари солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти экан.

² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.2023. 75-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2023. 75-модда.

⁴ Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. . Ред. 4-е изд. - М: 2011 г. 558 с.

⁵ Пансков В.П. Налоговые льготы: сущность и определение. ЖУРНАЛ. ЭТАП: экономическая теория, анализ, практика. 2018. DOI: 10.24411/2071-6435-2018-10035

⁶ Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015

⁷ Нормурзаев У. Х.. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Т.: «IQTISODIYOT»- 2023. 242 бет.

⁸ Нормурзаев У. Х. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. 08.00. 07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2022.

3. Тадқиқот методологияси

Таdqиқотда иqtисодий тахлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларида фойдаланилди. 2017-2021 йилларда республикада қўшилган қиймат солиғи бўйича занжири яратилиши борасида амалга оширилган ислохотлар ва солиқ имтиёзлари, давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятга молик товарларга (хизматларга) қўшилган қиймат солиғининг таъсири тахлил қилинди.

4. Тахлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарори⁹ 6-банди г-кичик банди учинчи хатбошисида 2021 йил 1 декабрга қадар мавжуд солиқ имтиёзлари бўйича маълумотлар базасини яратиш ва ҳар бир солиқ имтиёзи учун алоҳида солиқ имтиёзи уникал кодини (ID-рақамини) бериш тартибини жорий этиш ҳамда солиқ имтиёзлари кодлари тўғрисидаги ахборотларни солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетига етказиб бериш амалиётини жорий этиш вазифаси юклатилган.

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш учун солиқ имтиёзларининг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ. Солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш зарурияти нимадан келиб чиқди. Бу саволга жавоб бериш мақсадида баъзи маълумотларни келтириб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвалда 2018-2022 йилларда солиқ турлари бўйича қўлланилган солиқ имтиёзлари бўйича тахлил келтирилган бўлиб, 2018 йилда солиқлар бўйича жами 59 792 та ташкилотга 22707,56 млрд сўм, 2019 йилда 68113 та ташкилотга 29 136,0 млрд сўм, 2020 йилда 93871 та ташкилотга 31 065,6 млрд сўм, 2021 йилда 109363 та ташкилотга 43 479,3 млрд сўм ва ниҳоят, 2022 йилда 195884 та ташкилотга 72 963,7 млрд сўм солиқ имтиёзлари қўлланилганини кўриш мумкин.

Алоҳида солиқ турлари бўйича кўрадиган бўлсак, 2018 йилда ҚҚС бўйича берилган имтиёзлар суммаси 2 322 та ташкилотга нисбатан 14989,50 млрд сўмни ташкил этиб, энг катта имтиёз берилган солиқ турига айланганлигини кўриш мумкин. 2022 йилда бу сумма ушбу солиқ тури бўйича 28 214 та ташкилотга нисбатан 64 107,9 млрд сўмни ташкил этиб яна энг катта солиқ имтиёзига эга бўлиб турганлигини кўришимиз мумкин.

Кейинги солиқ имтиёзларининг катта суммаси юридик шахслар томонидан тўланадиган фойда солиғига тўғри келишини гувоҳи бўлиш мумкин. 2018 йилда фойда солиғи 291 та ташкилотга нисбатан 1 832,02 млрд сўм, 2022 йилда эса 25 015 та ташкилотга нисбатан 4 641,3 млрд сўмни ташкил этаётганлигини кўриш мумкин.

Солиқ имтиёзлар муайян мақсадга йўналтириш шарти билан берилади ва мақсадсиз бериладиган имтиёзларга бўлинади.

Солиқ имтиёзлари хўжалик юритувчи субъектларга:

1. Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан (мақсадли имтиёзлар);

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарори.

2. Бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда берилади.

Юқоридагиларга кўра солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби биридан фарқ қилади.

2018-2022 йилларда солиқ турлари бўйича қўлланилган солиқ имтиёзлари бўйича таҳлил¹⁰, млрд сўмда

№	Солиқ турлари	2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил	
		Сони	Суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
Жами		59 792	22707,56	68113	29 136,0	93871	31 065,6	109363	43 479,3	195884	72 963,7
1	ҚҚС	2 322	14989,50	11380	23 073,8	7 031	24 643,3	15 508	36 766,3	28 214	64 107,9
2	Фойда солиғи	291	1 832,02	763	2 785,4	3 335	2 930,0	2 709	2 219,5	25 015	4 641,3
3	Ер солиғи	5 499	1 183,69	6 736	880,1	4 531	1 313,2	11 743	2 575,9	6 204	931,8
4	Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ	8 321	393,06	33866	789,0	44093	917,9	56 165	1 073,8	41 580	1 028,3
5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	7	797,97	31	469,3	673	443,7	1 376	39,1	685	12,3
6	Ижтимоий солиқ	30 258	495,80	3 993	340,9	6 230	346,5	11 247	386,3	52 616	1 187,4
7	Мол-мулк солиғи	220	897,27	382	583,2	4 813	274,0	2 195	306,1	7 809	933,0
8	Айланмадан олинадиган солиқ	12 530	1 325,66	10962	214,3	23165	196,9	8 420	112,3	32 921	97,2

¹⁰ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Биринчи навбатда, иқтисодий жихатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган мақсадли солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш методикасини кўриб чиқамиз. Бу имтиёзларнинг бухгалтерия ҳисоби 8840 “Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари” счётида юритилади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандартида солиқлар, солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш учун қуйидаги счётлар кўзда тутилган:

- 4410 “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)” счёти;

- 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счёти;

- 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар счёти”;

- 6900 “Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имитёзлари” счёти;

- 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти;

- 013 “Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)” балансдан ташқари счёти.

Энди бу счётлар билан боғлиқ хўжалик операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни кўриб чиқамиз.

1. Товарлар – моддий захиралар импорт чоғида ҚҚС ва акциз солиғи тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар (300 000 000 сўм) суммасига:

Дебет – 6990 “Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имитёзлари” счёти;

Кредит - 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари”.

2. Маҳсулотларни реализация хажмида экспортга сотилган маҳсулотларнинг улуши 56 фоизни ташкил қилганлиги туфайли фойда солиғидан берилган имтиёз суммасига, ушбу сумма фойда солиғи ҳисоботининг 040 сатридан олинади (700 795 541 000 сўм):

Дебет – 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счёти;

Кредит – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти

3. Солиқ имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар асосий воситаларнинг харид қилишга, асосий воситаларни реконструкция ва технологияларни модернизация қилишга йўналтирилганда (300 000 000 сўм):

Дебет – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти;

Кредит – 8530 “Текинга олинган мулк” счёти.

4. Солиқ имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар жорий мажбурияларни қоплашга йўналтиради:

а) олинган товарлар бўйича қарзни қоплашга йўналтирилади (200 000 000 сўм);

Дебет – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти;

Кредит – 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти.

б) иш ҳақи ҳисобланганда (150 000 000 сўм):

Дебет – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти;

Кредит – 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти.

в) Иш ҳақиға нисбатан ижтимоий солиққа ажратилганда (18 000 000 сўм):

Дебет – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти;

Кредит – 6420 “Ижтимоий солиқ” счёти.

5. Имтиёзли даври тугаганда ва ҳисобот йилининг охирида ишлатилмасдан қолган имтиёз

суммалари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади (700 127 541 000 сўм) (2-4 операциялар бўйича):

Дебет - 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти;

Кредит—6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счёти.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 75-моддасига асосан корхона имтиёз даври тугагандан сўнг яна бир йил мобайнида бўшаган пул маблағларини мақсадли сарфлаши мумкин. Ушбу даврда ҳам имтиёздан фойдаланмаса кейинги йилда фойдаланилмаган имтиёз суммаларини давлат бюджетига қайтаради. Ушбу жараёни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш мақсадида 8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари” номли ишчи счётни очишни ва уни счётлар режасига киритишни тавсия қиламиз. 8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари” номли ишчи счётни очиш асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари киритилади:

Имтиёз даври тугаганидан кейин бир йил мобайнидаги муддатга қуйидагича (700 127 541 000 сўм):

Дебет 8840-“Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари”;

Кредит 8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари”.

Имтиёз даври тугаганидан кейин бир йил муддат ўтгандан сўнг бюджетга қайтарилиши қуйидагича (700 127 541 000 сўм):

Дебет 8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари”;

Кредит 6410-“ Бюджетга тўловлар бўйича қарз”.

Бу солиқ тўловчиларни солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиш бўйича маъсулиятини оширади. Шунингдек, солиқ имтиёзларининг суммалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилади.

2–жадвал

Ўзбекистонда 2015-2021 йилларда солиқ имтиёзларидан самарасиз фойдаланган корхоналарда аниқланган камчиликлар ¹¹

(млрд. сўм)

№	Йиллар	Солиқ имтиёздан фойдаланган корхоналар		Нотўғри фойдаланганлиги бўйича қўшимча ҳисобланган		Шундан,			
		Сони	суммаси	сони	суммаси	Камерал назорат натижасига кўра		Солиқ текширувлари натижасига кўра	
						сони	суммаси	Сони	суммаси
1.	2015	58377	12 450,9	622	14,8	536	11,6	86	3,2
2.	2016	28617	10 924,4	769	21,9	677	6,1	92	15,8
3.	2017	33631	15 753,1	267	11,4	217	2,4	50	8,9
4.	2018	61178	22 707,5	579	54,6	380	7,9	199	46,7
5.	2019	48765	29136,1	456	44,9	276	8,2	180	36,7
6.	2020	59415	31065,6	786	98,3	451	24,5	-	-
7.	2021	47482	42 089,0	1024	324,6	966	219,8	58	104,8
8	2022								

¹¹ Жадвал муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

8850-“Муддати тугаган солиқ имтиёзлари” номли ишчи счётни очиш зарурияти нимадан келиб чиқди. Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, кўп ҳолларда солиқ имтиёзларининг муддати тугагандан сўнг имтиёзлар мақсадсиз ишлатилмоқда (2-жадвал).

Мазкур 2 - жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2015 йилда жам 622 та тадбиркорлар томонида 14,8 млрд.сўм, 2018 йилда 579 та корхоналарда 54,9 млрд.сўмни ҳамда 2021 йилда эса 1024 та корхоналарда 324,6 млрд.сўм ҳажмида имтиёзлардан нотўғри фойдаланилган бу эса солиқ имтиёзларини бекор қилишга асос бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, солиқ қонунчилигига асосан берилган солиқ имтиёзларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан молиявий назоратни, шу жумладан солиқ текширувларини янада кучайтириш зарур экан.

Солиқ имтиёзларини ҳисоби МҲХСларида 12 “Фойдадан солиқлар” номли (IAS–12 Income Taxes) стандартдан¹² фойдаланинади. Ушбу стандартнинг 34-35 бандларида солиқ имтиёзлари бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун тан олиниши керак. Солиқ имтиёзларини тан олиниши стандартда қуйидагича акс этирилган: Муддати узайтирилган солиқ активи фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва фойдаланилмаган солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказиш бўйича тан олиниши керак, бунда у фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва фойдаланилмаган солиқ имтиёзларидан келажакда фойдаланиш имконини берадиган етарлича келгуси солиқ солинадиган фойдага эга бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган даражада тан олиниши керак.

Фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказиш натижасида пайдо бўладиган муддати узайтирилган солиқ активини тан олиш мезонлари келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқлар натижасида юзага келадиган муддати узайтирилган активларни тан олиш мезонлари билан бир хил. Бироқ, фойдаланилмаган солиқ зарарининг мавжудлиги келгусида солиқ солинадиган фойданинг бўлмаслигидан жиддий далолат беради. Шунинг учун, тадбиркорлик субъекти яқиндаги фаолият давомида зарар кўрганида, у фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки солиқ имтиёзларидан келиб чиқадиган муддати узайтирилган активни, фақат, етарлича келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлари мавжуд бўлган даражасида, ёки фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки фойдаланилмаган солиқ имтиёзларидан тадбиркорлик субъекти келажакда фойдаланиши мумкин бўлиши учун етарлича келгуси солиқ солинадиган фойда мавжуд бўлишига бошқа ишончли далил бўлган даражасида тан олади.

МҲХС бўйича ҳисобот юритишга ўтган йирик солиқ тўловчилар ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисоби учун МҲХС (IAS) 8, солиқ ҳисоби учун – МҲХС (IAS) 8 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 77-моддасини концептуал тарзда ҳисобга олишлари лозим.

Солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатини ўзгартириш ва (ёки) унга қўшимчалар киритиш солиқ тўловчи томонидан қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:

1) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган янги ҳисоб сиёсатини ёки унинг янги бўлимини тасдиқлаш;

2) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган амалдаги ҳисоб сиёсатига ёки амалдаги ҳисоб сиёсатининг бўлимига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида танланган ҳисоб юритиш усуллари тегишли ҳисоб сиёсати тасдиқланган йилдан кейинги йилнинг

¹² МҲХС 12 “Фойдадан солиқлар”. 2018.

1 январидан эътиборан қўлланилади¹³.

Юқоридагиларга асосан хулоса қиладиган бўлсак, солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисобини МҲХС лари талаблари асосида юритиш мақсадга мувофиқ. Солиқ имтиёзларининг ҳисоби БҲХС (IAS) 8–“Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар”, БҲХС (IAS)–12 “Фойдадан солиқлар” стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли нормаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинади.

Хулоса ва таклифлар

Қўшилган қиймат солиғининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2005 йил 24 февралдаги 29,2005-25, 01-02/8-3 сонли қарори билан тасдиқланган “Юридик шахсларга солиқлар божлар ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлигидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатга олинган)лар асосида солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисоби юритилади.

Юқоридаги Низомга асосан мақсадли берилган солиқ имтиёзлари 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счётида ҳисобга олиш кўзда тутилган.

Имтиёзли даври тугаганда ва ҳисобот йилининг охирида ишлатилмасдан қолган имтиёз суммалари ҳисобдан чиқарилади ва қуйидаги счётлар кореспонденцияси тузилади:

Дебет 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” счёти,

Кредит 8530 “Текинга олинган мулк” счёти.

Бизнинг фикримизча, мақсадли солиқ имтиёзлари бўйича имтиёз даври тугагандан кейин ҳисобдан чиқаришда ишлатилмаган суммани 8720 “Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)” счётининг кредитига олиб бориш мақсадга мувофиқ, бунга қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дт – 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари”,

Кт – 8720 “Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)”.

Бу таклифдан асосий мақсад солиқ имтиёзи даври тугагандан кейин ишлатилмасдан қолган сумма доимий назоратда бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар бу маблағларни бошқа мақсадларда ишлатиши мумкин. Бу ҳолда, мақсадли солиқ имтиёзларнинг иқтисодий моҳияти талабларига тўғри келмай қолади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21 сонли миллий стандарти ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 февралдаги 29,2005-25, 01-02/8-3 сонли қарори билан тасдиқланган “Юридик шахсларга солиқлар божлар ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида”ги Низомга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишни таклиф қиламиз.

2. Мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда бериладиган солиқ имтиёзларига ҳам алоҳида баланс счётини очиш ва унда ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, бунинг учун 8850 “Мақсадсиз ишлатиладиган солиқ имтиёзлари” счётини счётлар режасига киритиш зарур. Бу мақсадсиз бериладиган солиқ имтиёзларини шаклланиши ва уларни

¹³Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 77-моддаси. 2023.

ишлатилиши устидан назоратни кучайтирган бўларди.

Юқорида келтирилган 8840 “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” ва 8850 “Мақсадсиз ишлатиладиган солиқ имтиёзлари” сётлар бўйича ишчи сётлар хар бир солиқ тури бўйича, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳам очилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 595-сон қарори.
3. МҲХС 12 “Фойдадан солиқлар”. 2018.
4. Абдуллаев А.Б. Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Диссертация. Тошкент. 2020. 69 бет.
5. Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. . Ред. 4-е изд. - М: 2011 г. 558 с.
6. Пансков В.П. Налоговые льготы: сущность и определение. ЖУРНАЛ. ЭТАП: экономическая теория, анализ, практика. 2018.
7. Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015
8. Нормурзаев У. Х.. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Т.: «IQTISODIYOT»- 2023. 242 бет.
9. Нормурзаев У. Х. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. 08.00. 07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2022.
10. Джалилов Р.Х. Нормативно-правовая база по порядку организации камерального контроля в Республике Узбекистан и ее значение. Экономика и социум. №103. 2022.
11. R. N. Djalilov. (2023). Problems of calculation of value added tax in the tax system of the republic of Uzbekistan. *Intent Research Scientific Journal*, 2(3), 65–71. Retrieved from <https://intentresearch.org/index.php/irsj/article/view/52>.
12. Джалилов, Р. (2023). Совершенствование расчета льгот по налогу на добавленную стоимость. *Economics and Education*, 24(2), 272–278. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a42.
13. Джалилов Рахмонкул Хамидович. "The role of information sources in improving tax control in the context of the pandemic" *Economics*, no. 3 (50), 2021, pp. 42-46.
14. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (140)), 42-47.
15. Эгамбердиева, С. Р. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.« *ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ: МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ*» *Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й, 460.*

16. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatsion texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
17. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
18. Azimova, N. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.
19. Normamatovich, Kholmurodov O., et al. "Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 53-56.
20. Музаффарова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(1).
21. Музаффарова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. *Экономика и предпринимательство*, (1), 411-414.
22. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.
23. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & NAKIMOVICH, V. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
24. Турсунов, И., Рахматуллаев, А., & Бердиев, А. (2017). Формирование кластеров как фактор инфраструктурного обеспечения инновационного предпринимательства. *European Journal of Humanities and Social Sciences*, (2), 84-87.
25. Berdiyev, A. N., & Rasulov, K. K. (2022). Prospects for Cluster Activities in the Agricultural Sector: Problems and Solutions. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 99-108.
26. Berdiyev, A. N., & Rasulov, K. K. (2022). Implementing Digital Technologies in Agricultural Sector. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 109-113.
27. Berdiyev, A. N., & Rasulov, K. K. (2022). Issues of Increasing the Investment Potential of the Regions. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 93-98.
28. Khakimovich, V. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
29. Туробов, Ш. А., & Фахриддинов, Б. Ф. Ў. (2021). УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ–ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ СИФАТИДА. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (140)), 15-20.
30. Turobov, S. A., & Azamatova, G. I. (2020). REGIONAL CHARACTERISTICS OF HOUSEHOLD ENTREPRENEURSHIP ACTIVITIES IN KASHKADARYA REGION. *Economics and Finance (Uzbekistan)*, (2 (134)).
31. Turobov, S., & Azamatova, G. (2020). The Role Of Households In The Development Of The Digital Economy. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 35.

32. Усанов, А., & Раҳмонкул, Д. (2019). Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида камерал назоратнинг тутган ўрни. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 55-60.
33. Джалилов, Р. (2023). ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Economics and education*, 24(2), 272-278.
34. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
35. Alisherovich, T. S., & Iskandarovich, R. R. (2021). The Importance of Household Entrepreneurship in Providing Employment. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 177-182.
36. Аликулов, А. Т. (2019). Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш ва унинг капитал оқимига таъсири. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (6), 54-58.
37. Tuygunovich, A. A., & Islamovna, G. F. (2022). WHAT FACTORS INFLUENCE THE ACTIVITY OF RETAIL INVESTORS IN THE CAPITAL MARKET. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 373-380.
38. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
39. Маматов, А. А., Жураев, Т. Т., Назарова, Ф. Х., Хуррамов, А. Ф., & Маматов, М. А. (2020). Развитие хлопково-текстильных кластеров в экономике Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (9), 419-423.
40. Маматов, А. А., & Хуррамов, А. Ф. (2017). Иностранные инвестиции как фактор экономического роста Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (10-2), 98-101.
41. Хуррамов, А. (2012). О монографии ИС Абдулаева «ПРОГНОЗИРОВАНИЕ СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА». *ва молия Экономика*, 50.
42. Хуррамов, А. Ф. (1993). Арендные отношения и пути их совершенствования в условиях перехода к рыночной экономике (на примере хлопководческих совхозов).